

Шариф Қул МУҲАММАД

КЎНГЛИМДА СЕН

(шеърлар)



«ФАРГОНА» нашриёти

84(55)6-5 Ҷадий адабиёт
Шеърлар

Сўз боши

Шеърият – туйгулар олами. Мислсиз ижодий имкониятлар кўзгуси. Эҳтиросларга йўғрилган ифодалар манзарагоҳи. Бу манзарагоҳда минг бир манзара, минг бир қиёфа... намоён. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси муқаддас туйгуларнинг таъсир кучи-жунбушга айланган қалб титроги... Хуллас, назм ўзига ошно қалбларни маоний гўзаллик деб аталмиш бир муҳит қаърига бошлайди. Оташқалб шоир қаламидан томган мўъжизанинг ҳиссий-эмоционал таъсири оҳангдорликда жаранглаб, киши қалбига завқ багишлайди, шеърият аҳли эса ўзи беихтиёр бу оламга шўнгигб, дилкушо боғларида шод сайд этади, ғоялар оқимида ўзи ҳам мамнун сузади...

Ана шундай бетакрор олам шоир Шариф Кул Муҳаммад ижод дунёсида ҳам акс этади. Бу эса ўз навбатида унинг сирли ва гўзал бўстонга бор меҳрини багишлаганидан нишонадир. Зеро:


«*Кушлар уча олмас асло қанотсиз,
Бахтингочилмагай бўлсанг саботсиз,
Оlamdan кетгайсан бенишон, отсиз,
Юрагинг тувида меҳр бўлмаса».* –

дек хитоб айлаши ҳам улуғвор меҳр уни комиллик сари бошлишига ишонч билдиришидан ишора.

«*Орзуларим кичикмас, етмоқ фалак тоқига,
Комилликнинг нарвони, дўстлар, мен бўлсам кераю».*

Яхши шеър. Комиллик сари даъват. Бу йўлдаги кураш ҳақиқий интеллект курашдир. Адабиётнинг бош вазифаси ҳам шу – комил инсонни тарбиялаш. Шоирнинг ижод маҳсули эса комиллик қоясига қўйилган нарвон – кучли тарбия воситаси. Унинг шеърларидаги нафосат ва шижоат замираида мангаликка дахлдор ватанпарварлик ҳисси уфуриб турибди. Ўз қаҳрамони тилидан айтилган биргина шеърининг:

«*Зеро, биз Ватанга шарафу шонмиз,
Номимиз эъзозлаб, айлашарлар ёд.
Туркий шажарада катта достонмиз,
Руҳимиз шод этар келажак авлоф».*



1032037
0

.... сатрларида ҳам юксак даъваткорлик ғоялари тараннум этилган. Бу жиҳатдан олиб қараганда, шоирнинг ана шундай мангуликка дахлдор шеърларида ҳақ сўзнинг қадри баланд, истеъдодини намоён эта олиш қобилиятининг имкони кенг.

Шоир ўтмишини қофозга тушириш учун тарих зарварақларини «Минг йиллик тарихинг ўйлайман бот-бот» дея такрор ва такрор варақлагани аён ҳамда бу орқали у адабий-тарихий ҳодисаларни умумбашарий бадиий-эстетик мезонлар асосида хилма-хил талқин этиш имкониятларини намоён эта олган.

Хулоса қилиб шуни айтиш ўринники, ижодкорнинг «Кўнглимда сен» тўпламида жамланган турли жанрдаги шеърлари умбоқий сатрлар бўлиб қолишига умид боғлаймиз. Зоро, ўз ўрнида қалб тубидан вулқондай отилиб чиқсан дард-алам тўла фарёд бутун бир миллатни, қолаверса, бани башарни ларзага солишга, хушёр тортиришга қодирдир! Шоир тилидан айтганда:

*«Мақсадсиз яшама, олисни кўзла,
Мантиқ маъноларга тўлсин каломинг.
Шариф, дардларингни шеърингда сўзла,
Шунга бахшидадир аслида номинг».*

Тилаволди ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Тарихи Фарангу Олмондан қадим,
Миср, Руму Ажам, Эрондан қадим,
Зардушт боболарга туташар дардим,
Элим деб яшайди замондош мардим.
Оламда тенги йўқ, ота маконим,
Мустақил диёрим – Ўзбекистоним.

Лол этиб Искандар, Доро, Кирларни,
Багрида яширган қанча сирларни,
Кезар бўлсанг дала, дашту қирларни,
Нафаси сезилгай, азиз пирларнинг.
Қиёсда бетакрор сирли достоним,
Мустақил диёрим – Ўзбекистоним.

Муқанинадек жасур инсонларга кон,
Кутайбага панд берган қаҳкашон,
Мангуберди яйраб, яшаган макон,
Темур Малик, Маҳмуд Таробийга шон.
Сийрати бегубор, мовий осмоним,
Мустақил диёрим – Ўзбекистоним.

Замонлар ўтса ҳам, ўғилу қизлар,
Шарқона лутф ила бир бирин сизлар,
Кезиб саҳрою чўл, ҳатто денизлар,
Удумига қойил қолган Чингизлар.
Соҳибқирон юрти, томирда қоним,
Мустақил диёрим – Ўзбекистоним.

Дину диёнатга, таянч бу маскан,
Мўмин, мискинларга суюнч бу маскан,
Бидъат хурофотнинг йўлини тўғсан,
И мом Бухорийлар шу юртда ўғсан.
Қиёматга қадар ору иймоним,
Мустақил диёрим – Ўзбекистоним.

*Кўкда хумо қуши қоқмоқда қанот,
Минг йиллик тарихинг ўйлайман бот-бот,
Ҳар нафас, ҳар оним, ўтмоқдадир шод,
Одамларинг яшар эркин, ҳур, озод.
Оллоҳнинг назари тушган ошёним,
Мустақил диёрим – Ўзбекистоним.*

ҲАЗРАТ АЛИШЕР

*Кўҳна тарихимиз этар бўлсак ёд,
Шеърият мулкини айлаган обод,
Туркийлар қавмидан чиққан буюк зот,
Ажойиб инсонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Сиз-ла фахрланар бутун Осиё,
Хуросон юртидан таралган садо,
Илоҳий ишқ сеҳрин айлаган иаво,
Фазалда сарбонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Инсон камолотин шиор деб билган,
Сўз билан жаҳолат бағрини тилган,
Самарқандга қадам ранжида қилган,
Йўллари равонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Ҳар мисра битиги тиллодан ортиқ,
Бойлиги бўлмаган имлодан ортиқ,
Халқига «Ҳамса»ни айлаган тортиқ,
Дил уйи – осмонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Нодон ганимларга эгмасдан бошин,
Ичмасдан бойларнинг миннатли ошин,
Бошига тож қилган маломат тошин,
Орзу ҳам армонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Меҳру мурувватдан завққа тўлгансиз,
Фуқаро ҳолидан огоҳ бўлгансиз,
Зулму ситамлардан қақшаб сўлгансиз,
Сиз давру давронсиз, ҳазрат Алишер!*

*Күнгил косасига юқтىрмаган гард,
Хайру саховатда Ҳотам каби мард,
Иймон, эътиқоди событ, беадад,
Дардларга дармонасиз, ҳазрат Алишер!*

*Жангы жадал истаб күтариб түзон,
Хоқонлар урушга берганда фармон,
Адолат тошини қилиб бош мезон,
Тинчликка қалқонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Элим, деб яшаган кечаю кундуз,
Қиёсда фаришта, доим очиқ юз,
Самода порлаган эңг ёрқин юлдуз,
Ишқ ичра султонсиз, ҳазрат Алишер!*

*Ошиқлар номига битилгап баёз,
Шариф Кул Мұхаммад дилидаги роз,
Бани башар ичра тенги йүқ устоз,
Нодир замонсиз, ҳазрат Алишер!*

УЛУГБЕК МОНЛОГИ

*Улугбек дерлар мени, фарзанд әдим Шоҳруҳга,
Англаб илоҳий кучни, күнглим түлди шукуҳга.
Салтанатни бошқариши, мерос қолди отамдан,
Юртга багри кенгликда ибрат олдим Ҳотамдан.
Илму нужум бобида машҳур бўлсан-да, аммо,
Менга тинчлик бермасди ҳаётда кўп муаммо.
Кузатиб шуни билдим, қадим-қадим замондан,
Ота асрар фарзандин, беимону ёмондан.
Ўглим Абдулатифни севардим жон-дилимдан,
Афсус жуда этди у мени бошу танимдан.
Нетай, қисмат тор экан, эрта кетдим оламдан,
Фақат ўлимга фармон кутмагандим боламдан.
Не бўлса-да, сира ҳам йўқдир нолишга ҳақим,*

*Рұхимни шод айлагай менинг жафокаш ҳалқим,
Үзим эса мозийдан уларга баҳт тиларман,
Пок ниятли кишига илжом бўлиб юрарман,
Сўнгги сўзим ушбуудир: омон бўлсин Оталар,
Оталарга сира ҳам тик боқмасин болалар,
Тугасин гийбат, иғво, бидъату хурофтлар,
Улардан юрт бошига тушимасин ҳеч оғатлар,
Шаҳзодалар шоҳ тожин сира ҳам талашмасин,
Салтанатнинг бобида мен каби адашмасин.*

БОБУР ВАСИЯТИ

*«Чин ворисим сенсан, тингла сўзимни,
Фақат бир армоним дилимда қолди.
Сенга фидо қилиб, ўглим, ўзимни,
Кўрмай кетмоқдаман Ўш, Андижонни.*

*Бир умр Ватандан олисда юрдим,
Кисматим тор экан, ўглим, нетайин.
Андижон боғларин тушимда кўрдим,
Мендан ризо бўлгин, энди кетайин.*

*Хинд узра тикилган Темур байрогин,
Чин дилдан авайлаб, асрагин, ўглим..
Сен ёқиб шу юртда отанг чирогин,
Топсанг бас, оқибат Ватанда қўним.*

*Сўнгги илтимосим, имконин топиб,
Ватан тупрогидан келтириш бошимга.
Ҳоким тупрогидан бир сиқим олиб,
Сочиб келгин, ўглим, Андижонимга.*

*Оlamda неки бор, Ватандан ўзга,
Юрак дардларимга малҳам бўлмади.
Дунё тор кўриниб согинчдан кўзга
Мусоғир юртларда кўнглим тўлмади.*

*Канийди, имкони топилса бир зум,
Ватан тупрогига бошимни қўйсам.
Кува анорию бир баркаш узум,
Ковунин бетакрор ҳидига тўйсам.*

*Начора, баҳтимга бўлгин саломат,
Ҳали олдиндадир нурли келажак.
Аллоҳ насиб этса токи қиёмат,
Тангри менинг сену менга омад беражак.*

*Беш юз йил нарида ёнар бир маёқ,
Ота маконимиз нурларга чўмгай.
Ўглим, менга шон, кўзларимга боқ,
Андижонда катта тантана бўлгай.*

*Хаққимизга қилиб тиловат Куръон,
Балки нишонланар бизнинг тўйимиз,
Шаънимизга шеърлар битиб бегумон,
Шоирлар кўрсатар басту бўйимиз.*

*Зеро, биз Ватанга шарафу шонмиз,
Номимиз эъзозлаб айлашарлар ёд.
Туркий шажарада катта достонмиз,
Руҳимиз шод этар келажак авлод.*

*Дилимда бир армон – Ватан армони,
Кўзимдан ёш тўкиб, бошимни эгар.
Ўглим, Ватанин сев, икки дунёни,
Ватанин севганга савоби тегар.*

*Ватан сўзин маъно, – моҳиятини,
Ватан деб «оҳ» чеккан отангдан сўра.
Арзигай тигласанг юрак қаътини,
Ватансиз дарбадар ўтгандан кўра.*

*Ватанин севмоқлик, дерлар, иймондан,
Пайғамбар ҳадисин ёд этгай башар.
Қаср қурмоқ керак Ватанга шондан,
Ватан менинг жисму жонимда яшар».*

*Оҳ, Ватан, шунчалар бебаҳо дурсан,
Сени деб Бобурнинг ёнганилиги рост.
Шариф Қул Мұхаммад дилига нурсан,
Бу битик сеҳрингдан дебоча холос.*

НУРАФШОН МАНЗИЛГА

*Умид деб аталган сўлим томонга
Талпиниб хаёлга толаётирман.
Гоҳида қўл силтаб яхши - ёмонга,
Нурафшон манзилга бораётирман.*

*Гоҳида қўлимга олиб қаламим,
Хақ учун курашиб ёнаётирман.
Бегуноҳ қоғозга сочиб аламим,
Нурафшон манзилга бораётирман.*

*Теграмда чарҳ урган ганимларимни,
Шеър ила минг куйга солаётирман.
Кўнглимдагин ёзиб, оқлаб шаънимни,
Нурафшон манзилга бораётирман.*

*Ёш бола мисоли кўзлаб ҳузурим,
Аллоҳнинг ишқида ёнаётирман.
Дўстга ҳам, душманга айтиб узурим,
Нурафшон манзилга бораётирман.*

*Сўзларим ёқмаса кечир, ватандош,
Гоҳида ўзликдан тонаётирман.
Тополмай дардимни тушунар сирдош,
Нурафшон манзилга бораётирман.*

МЕХР БҮЛМАСА

Яхши ном қолдиromoқ эмасдир осон,
Дилда эзгуликдан бүлмаса нишон,
Күзингдан оқмас нам қувончдан, инон,
Юрагинг тубида меҳр бүлмаса.

Күшлар уча олмас асло қанотсиз,
Бахтинг очилмагай бүлсанг саботсиз,
Оламдан кетгайсан бенишон, отсиз,
Юрагинг тубида меҳр бүлмаса.

Дўстларинг шодланмас рангу рўйингдан,
Ва ё минг ўргилмас қадду бўйингдан,
Кўнгил ором олмас қўшиқ куйингдан,
Юрагинг тубида меҳр бүлмаса.

Йўлингни ёритмас порлаган офтоб,
Орзу хаёлларинг бўлгайдир сароб,
Ҳаёт синовига беролмассан тоб,
Юрагинг тубида меҳр бўлмаса.

Ҳасад ўти эзар багру дилингни,
Таноби қочгайдир аччиқ тилингни,
Қадрига етмайсан юрту элингни,
Юрагинг тубида меҳр бўлмаса.

Ғаламис, иғвогар касларга ёрсан,
Оёқларга кишин, кўринмас дорсан,
Унутма, оқибат ватанда хорсан,
Юрагинг тубидә меҳр бўлмаса.

Шариф, ҳаётингдан иолима асло,
Бош мезонинг бўлди аҳдингга вафо,
Сени қўлламасди у қодир Худо,
Юрагинг тубида меҳр бўлмаса.

БИРИ КАМ ДУНЁ БУ

*Бири кам дунё бу, дунё бири кам,
Не қилсанг кузатар гойибдан ҳакам,
Турфа хил, турфа ранг, насаби одам,
Бири оқыл, доно, бириси бефатъм.
Шириң забон ила очиқ феълингни
Бириси ёқтирса, бири ёқтирмас.*

*Ўз мезони бўлар ҳар бир инсоннинг,
Келиб кетгувчи баҳт, омаду шоннинг,
Ҳисоб-китоби бор тандаги жоннинг,
Чеку чегараси бўлар имконнинг,
Мартабаси баланд доно элингни
Бириси ёқтирса, бири ёқтирмас.*

*Кимдир қоя бўлар ўнгу сўлингга,
Кимдир салом берар қараб қўлингга,
Кимдир ҷоҳ қазийди доим йўлингга,
Кимдир ҳасад қиласар ҳатто чўлингга.
Тангри назар қилиб унган ерингни
Бириси ёқтирса, бири ёқтирмас.*

*Ҳаёт қонуни – шу, агадул агад,
Ортингдан тош отиб яшайди номард,
Ёмон яхши бўлмас, уринма ҳарчанд,
Қиёматга қадар тузалмас бу дард.
Элим, юртим, дея тўйкан терингни
Бириси ёқтирса, бири ёқтирмас.*

*«Нур борки, соя бор», чексиз бу майдон,
Келиб кетгувчи баҳт, амал, давлат, шон,
Кимда иймон собит, кимдир беиймон,
Бири кам дунё бу, шоирим, инон.
Тунлари беором ёзган шеърингни
Бириси ёқтирса, бири ёқтирмас.*

ШОИР ҚАЛБИ

*Шоир қалби ҳаловат билмас,
Олисларга тикар нигоҳин.
Аччиқ сўзлаб багирни тилмас,
Ёмоннинг ҳам кечар гуноҳин.*

*Феъл-автори одамлараро,
Ўхшаб кетар беқиёс дурга.
Боқишидан ёгар пурмаъно,
Қалби тўла доим гурурга.*

*Шоир сўзин тафти ўзгача,
Саховати эрур бир жаҳон.
Тирногидан қошу кўзгача
Эзгуликка ошифта ҳар он.*

*Ишқ ўтида ёнган юрагин,
Оташи зўр ҳатто қуёшдан,
Киёси ийқ орзу тилагин,
Поклиги пок кўздаги ёшдан.*

*Шоир дили тўла сеҳрга,
Сўзга жило бергувчи наққош.
Лек вужуди зордир меҳрга,
Боши оддий эмас, олтин бош.*

*Афсус чекар умрин яшамай,
Сўлса гиёҳ, узилса япроқ.
Ичдан ёниб тугаган шамдай,
Хаёлини босади титроқ.*

*Шоир фарқлаб яхши - ёмонни,
Камтарликни айлар бошга тоҷ.
Ёқтиирмасдан ортиқча шонни,
Юрт ишига тилайди ривож.*

*Шоирлар күп бўлса жаҳонда,
Кўпайгуси қўшиқ, наволар.
Руҳий қувват ошиб, маконда
Пок, мусаффо бўлар ҳаволар.*

*Эй, Шариф, сен шоир эмассан,
Шоирликни қилсанг-да ҳавас.
Бу оламга бошиқа келмассан,
Шеъриятни сева олсанг бас.*

M A K T O B

*Мақтov ёқар ҳар кимга дономи у ё подон,
Мақтovни хуш кўраркан, ҳатто, амалдор, ҳоқон.
Мақtov умр қўшаркан, кексаю ўсмир-ёшга.
Мақtov қувват бўлгайдир куну тун даркаш бошга.
Фийбат қилмай одамлар, мақтанг бир-бирингизни,
Тирноқ остидан асло ахтармай кирингизни.*

*Мақtov бўлса, табиат жилваланиб боқармиш,
Мақtовдан қизлар сочга тақинчоқлар тақармиш,
Мақtовдан муз юраклар маржон бўлиб оқармиш,
Мақtовдан эр, аёллар, бир-бирига ёқармиши.
Фийбат қилмай, одамлар, мақтанг бир-бирингизни,
Тирноқ остидан асло ахтармай кирингизни.*

*Ўрнин топиб мақтасанг, илон чиқар инидан,
Аичиқ сўзлар ийқолиб, чиқмас пичоқ қинидан,
Мақtov бўлса самимий, мазмунли бир-биридан,
Билингки, Шариф яйрап ҳамиша дил-дилидан!
Фийбат қилмай одамлар, мақтанг бир-бирингизни,
Тирноқ остидан асло ахтармай кирингизни.*

АЗИЗ ОДАМЛАР

*Субҳидамда туриб ният қиларман,
Хәёлан эзгулик бошин силарман,
Инсонлик мезонин ор деб биларман,
Яхшиларга дилдан омад тиларман.
Боқишилари майин, құтлуг қадамлар,
Мен сизни севарман, азиз одамлар.*

*Гул-чечаклар унсин изларингиздан,
Нур тарапасин ойдек юзларингиздан,
Илҳом олай ширин сүзларингиздан,
Үзим ўргилайин ўзларингиздан.
Йироқ бұлсан сиздан ташвишу ғамлар,
Мен сизни севарман, азиз одамлар.*

*Сизлар қанотдиrsiz айтар сўзимга,
Нури гавҳардиrsiz ақл кўзимга,
Сержило тасвирдиrsiz яктақ-бўзимга,
Имкон беринг, бир сўз айтай ўзимга:
Кўзингиздан асло оқмасин ҳамлар,
Мен сизни севарман, азиз одамлар.*

*Элу юрт баҳтига бўлинг сог-омон, .
Давру даврон суринг, тинч бўлсан замон,
Пок руҳим талпиниб кўкларга томон,
Кимгадир ёқмайин бўлсам-да ёмон,
Тилақ барчангизга қувончили дамлар,
Мен сизни севарман, азиз одамлар.*

*

*Сизлар дилимдаги порлоқ қуёшим,
Жисмимдаги жоним, сабр-бардошим,
Мансабұ мартабам, кўз ила қошим,
Бошга кун тушганда ҳамдард, йўлдошим.
Туганимас хазина – сахий ҳотамлар,
Мен сизни севарман, азиз одамлар.*

КҮНГЛИ ҚОЛМАСИН

Ақлу заковатим айлаб дилга жо,
Куны тун қулурман сенга илтижо,
Сийратим бўлса-да сиртимдан ҳижо,
Тангрим, тилагимни айлагин бажо:
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.

Чин баҳт бу оламга келиб - кетмоқ ҳам,
Сўнгги мансилгача омон етмоқ ҳам,
Хаста кўнгилларга бўлай деб малҳам,
Ўтениб сўрайман, яратган Эгам:
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.

Ўзлигин унутган калтабин, гумроҳ,
Ортимдан тош отиб, қазмоқ бўлар чоҳ,
Не қилсам барига сен ўзинг гувоҳ,
Нолишишмага қулоқ тутгин, эй Аллоҳ:
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.

Фийбатчи гийбатин қилса ҳам майли,
Извогар багримни тилса ҳам майли,
Эй, Худо, бетакрор сеҳринг туфайли,
Кайта тугилса ҳам минг битта Лайли.
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.

Тушунмасман гоҳо ақлим етса ҳам,
Айш суреб яшайди қанча муттаҳам.
Шукурким, барига, эй одил ҳакам,
Дунёнинг бўлса-да доимо бир кам.
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.

*Амрингга мунтазир Руму Ироқ, Шош,
Муслиму муслима, ўсмир, кекса, ёш,
Инчунун кўксимда порловчи қуёш,
Шаънига ёғса ҳам маломат санг – тош.
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.*

*Сабабин сўрса ким, ул аҳли башар,
Она замин узра сочилган гавҳар,
Шамсу қомар мисол нур сочса агар,
Шариф дер: то абад олами Сарвар,
Эзгулик ўрнини риё олмасин,
Одамдан одамнинг кўнгли қолмасин.*

МАҚСАДИНГ НЕ ЭДИ?

*Мақсадинг не эди, жаҳонга келдинг,
Мақсадсиз яшамоқ мумкинмас ахир?
Ҳаётда не учун югурниб елдинг,
Ортингда қолдими фарзанд-жавоҳир?*

*Мақсадинг не эди, ёшлик чогингдан,
Оламга боқдингми теран фикрлаб?
Завқ олиб сержилва кўнгил богингдан,
Эзгулик сочдингми тотли зикрлаб?*

*Мақсадинг не эди, яхшими-ёмон,
Ҳамроҳинг эмасми гуноҳли ишлар?
Дилингни эзмасми изтироб, армон,
Үйқунгни бузмасми, қўрқинчли тушлар?*

*Мақсадинг не эди, борми дўстларинг,
Бошга кун тушганда сени қўлловчи?
Ўнгласа бўларми каму кўстларинг,
Борми мададкоринг баҳтга йўлловчи?*

*Мақсадинг не эди, қилиб ёмонлик,
Элнинг низаридан қолганинг иўқми?*

*Вақт келиб бўлса гар омон-омонлик,
Хотиржам яшаши дил уйинг тўқми?*

*Мақсадинг не эди, сароб эмасми,
Меҳру муҳаббатга зорми юрагинг?
Ортингдан боққанлар номард демасми,
Заминга борми, дўст, сенинг керагинг?*

*Мақсадсиз яшама, олисни кўзла,
Мантиқ, маъноларга тўлсин қаломинг.
Шариф дардларингни шеърингда сўзла,
Шунга баҳшидадур аслида номинг.*


НЕ ФОЙДА

*Дунё фоний, ва лек унда орзуларнинг чеки йўқ,
Ким беақл, ҳоли ҳароб, ўзгаларга этар дўқ.
Жаҳли чиқса, ақлин тутиб, битта сўздан қолмаса,
Ширин сўзли доноларни кўриб ибрат олмаса,
Ундаиларга айтар сўзу пандларингдан не фойда!?*

*Наф тегмаса элу юртга, кунда қилар ишингдан,
Эзгу ҳислар тараалмаса, фасли баҳор-қишингдан.
Давраларда ўйламасдан дил озори сўз айтсанг,
Манфаат деб, ўздан кечиб Руму Ироқдан қайтсанг,
Умр бўйи топган шону шуҳратингдан не фойда!?*

*Одамлар бор, ким қиёсда ўхшарлар тўтиқушга,
Сигинарлар сийму зарга, ўчdir олтин-кумушга,
Сохта обрў илинжида кечар бўлсанг орингдан,
Дил изтироб чекса ипсиз, қўйган тузоқ дорингдан,
Дастурхонга сочган қанду новвотингдан не фойда!?*

*Мардлар қайтмас берган ваъда, айтган ҳар бир сўзидан,
Бошга тушар не юмушки, кўрарлар ўз-ўзидан.
Украшганда меҳринг қониб, кўнгил мулкинг тўлмаса,
Ишинг тушса хизматга шай, дўсту ёринг бўлмаса,
Давлатнингга ошно бўлган улфтингдан не фойда!?.*



*Қадим масал бордир юртда, «бўлингани бўри ер»,
Чин инсонлар сафида бўл, сўздан жавоҳирлар тер.
Шеъринг ўқиб кин, адоват, маломатлар сўнмаса,
Юракларнинг қат-қатида меҳр нури ўнмаса,
Шариф, тунлар бедор ёзган, баётингдан не фойда!?*

БАРЧАМИЗДАН ҚОЛАР

*Жавобсиз саволлар дилимни эзар,
Фикру хаёлларим оламини кезар,
Инсонлик олдида ҳечдир сийму зар,
Чиқарган сабогим туш мисол гўё,
Барчамиздан қолар бу кўҳна дунё.*

*Гоҳида сигмайин бу кенг жаҳонга,
Берилиб мансабу мартаба, шонга,
Чап бериб яшаймиз ҳатто иймонга,
Барибир ҳеч кимга қилмасдан вафо,
Барчамиздан қолар бу кўҳна дунё.*

*Наф учун ганимни дўст деб биламиз,
Яхшининг ортидан гийбат қиламиз,
Ўйламасдан сўзлаб багир тиламиз,
Шунданми бошларга ёгдириб жафо,
Барчамиздан қолар бу кўҳна дунё.*

*Ҳар ишда бош мезон эрур ҳақиқат,
Бевафо саналур бойлик, тожу таҳт,
Инсонлик безаги паймонаю аҳд,
Бўлиб кимга эрмак, кимгадир рўё,
Барчамиздан қолар бу кўҳна дунё.*

*Осмону фалакка етса ҳам бошинг,
Ишқидан тонса ҳам ул қалам қошинг,
Эй Шариф, унумта, меҳр қуёшинг,
Сўнмаса бўлгани етганда қазо,
Барчамиздан қолар бу кўҳна дунё.*

ДҮСТИ БҮЛСА

Бир бурда нон шоир учун тирикликка кифоя,
Яшнаб кетар ёш боладек ўқиса шеър, ҳикоя,
Дилда чексиз дардларига топилаҗак ниҳоя,
Кўҳинурдек оҳанрабо, гўзал араб имлодек,
Дўсти бўлса садоқатли Комил, Раҳматиллодек.

Мўмин каби мўминлардан баҳра олар бардоши,
Ҳофиз Шароф, Бердиали маслакдоши, сирдоши,
Исоқ Раҳмон каби оқил, ортар дунё қараши,
Башар ичра сеҳри ниҳон, дарди гамнок муллодек,
Дўсти бўлса садоқатли Комил, Раҳматиллодек.

Олим Рустам Тожибоев, устоз Мансур ҳожидек,
Саховатда тенгсиз яна ўзига хон, бўлиб бек,
Тош отганга ош едириб, сақламасдан гина, кек,
Парвоз этар самоларга бамисоли Хумодек,
Дўсти бўлса садоқатли Комил, Раҳматиллодек.

«Устоз»га кўрк Баҳодири, Ўқтам, Воҳид, Икроми,
Кимсанбою Сиддиқ Ҳасан, Маҳмуджондек Ғуломи,
Нўймон Назир, Камол Йўлчи каби тотли каломи,
Сингиб кетар кўнгилларга сездирмасдан зиёдек,
Дўсти бўлса садоқатли Комил, Раҳматиллодек.

Сўз қадрига етмоқлик ҳам буюкликтан нишона,
Сўз мулкининг заргарларин давлати шон-кошона,
Шоир Шариф ашъор битар сўзга бўлиб парвона,
Назир Назар, Аҳмад, Анвар, Комил, Ҳабибуллодек,
Дўсти бўлса саховатли ҳомий Раҳматиллодек.

АЁЛ БИЛАН

*Бир ҳақиқат доим ёдимда,
Хар сония, ҳар бир одимда:
Ишқи жүшар ҳатто додимда,
Нидо қилар құлымда қалам,
Аёл билан гүзәл бу олам.*

*Хәётимга мезондир иймон,
Назаримга кирмас давлат, шон.
Сүзларимни тингла эй, инсон,
Дардларимга бўлгувчи малҳам,
Аёл билан гүзәл бу олам.*

*Телба дунё, телбадир фалак,
Согинтирса дилдаги малак.
Киёматдан бергувчи дарак,
Фироқидан чексангда алам,
Аёл билан гүзәл бу олам.*

*Кўнгил мулкинг бўлмаса асал,
Ёзолмайсан бирон шеър, газал.
Шукронা қил, тақдиру азал
Бошинг узра сочса ҳамки гам,
Аёл билан гүзәл бу олам.*

*Шоир сўзи яшар то абад,
Илоҳийдир илҳом, омад, баҳт.
Ким бўлсанг-да, унумта фақат,
Қўзларингдан ёгдирса ҳам нам,
Аёл билан гүзәл бу олам.*

*Аёл – она. аёл – сингил, ёр,
Аёл – ноёб бойлик, бетакрор.
Шариф учун сеҳрли ашъор,
Боқишилари майин, муҳтарам,
Аёл билан гүзәл бу олам.*

ЎЗИНГСАН ЙОРАК.

*Тинимсиз ишлайсан кечаю кундуз,
Ором не билмайсан баҳордан то куз,
Вужуди танимда порловчи юлдуз,
Гўзаллик бобида тенги йўқ малак,
Илоҳий мўъжиза ўзингсан, юрак.*

*Илҳом париларин ҳайратга солган,
Шайтон вас-васидан зўриқиб толган,
Раҳмон-ла бир умр эш бўлиб колган,
То абад мени деб жонлари ҳалак,
Илоҳий мўъжиза ўзингсан, юрак.*

*Тик бошим эгилмас сенинг туфайли,
Ирода, истагу bogларнинг сайли,
Барча синоатлар тафтинг туфайли,
Жисмингда мужассам бу кўҳна фалак,
Илоҳий мўъжиза ўзингсан юрак.*

*Турли балолардан этгувчи огоҳ,
Муҳаббат домига тушгувчи ногоҳ,
Оқибат чекувчи ҳасрат ила оҳ,
Менга ёр васидан бергувчи дарак,
Илоҳий мўъжиза ўзингсан, юрак.*

*Киёсинг топилмас жумла жаҳонда,
Нафасинг сезилар тандаги жонда,*

*Кимматинг эл ичра орттирган шонда,
Шеъру газалимга сочилган тилак,
Илоҳий мўъжиза ўзингсан, юрак.*

*Покликда бебаҳо тотли ифорсан,
То тирик эканман Аллоҳга ёрсан,
Иймону эътиқод, номус ва орсан,
Мени деб ҳали кўп ёнишинг керак,
Илоҳий мўъжиза ўзингсан, юрак.*

АҚЛИМ ҲАЙРОН

*Ақлим ҳайрон, нурафшон кечা,
Кўкда юлдуз турар жилмайиб.
Кувончимга тош отиб неча,
Мунофиклар юрар гирмайиб.*

*Ақлим ҳайрон, пурвиқор тоглар,
Олисларда кўз-кўзлар ўзин.
Эш-қўши юриб дилиносоглар,
Бир-бирининг чўққийди кўзин.*

*Ақлим ҳайрон, қилиб оҳу дод,
Гул ишқида ёнади булбул.
То ўлгунча э воҳ одамзод,
Бир-бирини чалади нуқул.*

*Ақлим ҳайрон, бу дардкаш бошим,
Фақат эзгу хаёл суради.
«Дўстим» деган қанча йўлдошим,
Тойишими пойлаб туради.*

*Ақлым ҳайрон, қилиб томоша,
Гүзалликка түймас күзларим,
Шоир номим асрлар оша,
Сақлар ҳикмат тұла сүзларим.*

T A Z A R R U Ъ

*Мен ожиз шуыламан күзга илинмас,
Кичик бир зарраман элга билинмас,
Хеч бир иш амрингдан ўзга қилинмас,
Бесабаб жигархун, бағыр тилинмас,
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Не-не синоатлар ўтмас бу бошдан,
Изтироб, армонлар оқар күз ёшдан,
Қаҳрлар сачрабон қабогу қошдан,
Меҳрлар янчилур дийдайи тошдан.
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Манфаат күйида югуреб бедор,
Иймон каломини гоҳо этдим хор,
Шайтон «вас-вас»ини айлаб дилга ёр,
Канча хатоларга йўл қўйдим тақрор.
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Баъзан ажратолмай ҳақни ноҳақдан,
Айбни қорамас, ахтардим оқдан,*

*Хулоса қилолмай оддий сабоқдан,
Чин баҳтни излабман рангин буёқдан.
Оlamда бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Қилган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Юрагим тубида ишқ бўлдинг ўзинг,
Дилимда қаломинг – сеҳрли сўзинг,
Фикрларим теран, қулоқларим динг,
Рихлатга етармиши ўн метр бўзинг.
Оlamда бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Қилган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Кандай муқаддас сўз экан бисмиллоҳ,
Кимлигинг билмабман, эй, Расулиллоҳ,
Кўзлар сўқир экан, юрак туби чоҳ,
Бунга чеккан алам, армонлар гувоҳ.
Оlamда бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Қилган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Турфа синоатлар кўпдир дунёда,
Кимгадир баҳт кулар ҳаддан зиёда,
Юрса-да ким отда, кимдир пиёда,
Бариси ўткинчи, руҳлар мавода.
Оlamда бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Қилган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Дилимдан ўтказиб, сирли ўйларни,
Синадим неча бош, қадду бўйларни.
Кўрдим ким ўзарга бўлган тўйларни
Ҳатто қалтафаҳм, ёмон сўйларни.
Оlamда бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Қилган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Дунёда бунуқсон ўзингсан фақат,
Хеч кимга кўринмас, абадий хилқат,
Дилда муҳаббатим сенга қатма-қат.
Осий бандангдирман, кўрсатгин шафқат.
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Адашии инсонга хос экан нетай,
Дарду ҳасратларим шеъримга битай,
Паймонам тўлган кун васлингга етай,
Чеккан заҳматларим бир сенга айтай.
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*Бўлса-да қалбимда минг битта додлар,
Сенга бўлган ишқим кўнглингни чоғлар.
Кўзимга мунааввар кўриниб боғлар,
Эзилган кўксимни айлайди тоглар.
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

*To тирик эканман сенга мойилман,
Лутфу карамингга дилдан қойилман.
Илҳомингдан жўшиб, матьнан бойирман,
Муҳаммадинг қули Шариф шоирман.
Оlamda бир ўзинг бўлиб паноҳим,
Килган гуноҳларни кечир, Аллоҳим.*

КЎНГЛИМДА СЕН

*Тангрим берган баҳтингга шукур,
Шеърдек улуг таҳтингга шукур,
Ишқдек холис аҳдингга шукур,
Кўнглимда сен, хаёлимда сен.*

*Манзил томон шошадирман мен,
Вулқон каби тошадирман мен,
Дөвөнлардан ошадирман мен,
Күнглимда сен, хаёлимда сен.*

*Куртак ёзиб қошимда оғоч,
Кириб келди уйга қалдирғоч,
Согинганман, қучогингни оч,
Күнглимда сен, хаёлимда сен.*

*Бұлсам-да мен ҳалим, беозор,
Қанча, гүмроҳ ганимларим бор,
Айласанг ҳам ҳолимни ағзор,
Күнглимда сен, хаёлимда сен.*

*Умрим лаҳза-ондир, майлига,
Юрак багрим қондир, майлига,
Үзлигидан тондир, майлига,
Күнглимда сен, хаёлимда сен.*

*Билмагайлар қадримни, ағсус,
Тушупмаслар дардимни, ағсус,
Бу битигим ёзилди маҳсус,
Күнглимда сен, хаёлимда сен.*

*Фурқатим бор олис Қашгарда,
Согунийни күрган шаҳарда,
Учрашсак бас рўзи Машҳарда
Күнглимда сен, хаёлимда сен.*

МУХБИР ДЎСТИМГА

*Савол берма, эй муҳбир дўстим,
Майдо-чуйда, икир-чикирдан.
Шеърга ишқим тушди-ю ўсдим,
Огоҳ, бўлдим тўғри фикрдан.*

*Савол берма, эй мухбир дүстим,
Айтинг-чи сиз, шоир aka деб.
Күп бүлса-да кам ила күстим,
Яшаяпман ҳалол ризқдан еб.*

*Савол берма, эй мухбир дүстим,
Мақтovларга мен ҳам мойилман.
Гард күтармас, юпқадир пүстим,
Хизр эмас, оддий шоирман.*

*Савол берма, эй мухбир дүстим,
Сохта жавоб кимга ҳам керак.
Сүзларимга қулоқ солгин жим,
Шоир учун шеър ҳам бир эрмак.*

*Савол берма, эй мухбир дүстим,
Ёзғанларим оддий шеър эмас.
Сүзларимни тингласа гар ким,
Бу – девона, бу – шоир демас.*

*Савол берма, эй мухбир дүстим,
Мақтамасман мен түрт деворни.
Сен кутганча эмас саботим,
Қўй, қийнама мендек беморни.*

*Савол берма, эй мухбир дүстим,
Шундай ҳам мен роса сўзладим.
Кечир мени йўлингни тўсдим,
Дардларимни айтиб бўзладим.*

ДАСТУРХОН

*Сийратинғга асрий удум – Хотам Тойлик жойланган,
Суратингга покизалик толалари бойланган,
Одамийлик кўркиидурсан то қиёмат бегумон,
Таърифингни куйламоққа қалам ожиз, дастурхон.*

*Гап-гаштагу түй-түйчиқда тўкинилкнинг нишони,
Элу улус, маҳалла-кўй, ҳатто давлатнинг шони.
Ақлу идрок, ҳам фаросат рамзи дурсан ҳар қачон,
Таърифингни куйламоқча қалам ожиз, дастурхон.*

*Эрону Рум, Ҳинду Ҳитой ҳоқонларин лол этган,
Искандару Кутайба, Чингизларни дол этган.
Тинч-тотувлик рамзи дурсан, хислатларинг бир жаҳон,
Таърифингни куйламоқча қалам ожиз, дастурхон.*

*Зор қақшайсан тақаббурлик, кибру ҳаво, миннатдан.
Фариштадек холидурсан ҳасад каби иллатдан.
То тирикман ҳурматингга таъзимдадир танда жон,
Таърифингни куйламоқча қалам ожиз, дастурхон.*

*Бу шеъримнинг илҳом қуши «Катта Турк»да кутилди.
Муборак кун, жума оқшом Рамазонда битилди.
Дўстим Эркин, Баҳодиру Мўминларнинг мулки шон,
Таърифингни куйламоқча қалам ожиз, дастурхон.*

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК

*Бўлса-да донишманд – хўп ақли бутлар,
Нечундир тугамас ҳасад «кут-кут»лар.
Сабабин сўрсангиз бир-бир айтайнин,
Эл ичра касаллик, дарди бетайнин.
Нодонлар шамига бўлгувчи пилик,
Ярамас иллат бу – маҳаллийчилик.*

*Неча юз йиллардан буён яшайди,
Доимо келтириб зиён яшайди,
Мақсади залолат, йўқ иймон ори,
Бир ҳовуч кимсага нафдир шиори.
Ман-манлар ошига бўлгувчи илик,
Ярамас иллат бу – маҳаллийчилик.*

*Эшу раҳнамосин кулгуга қўйиб,
Жаҳолат майини ичгувчи тўйиб,
Мардлар оёгини ипсиз боғловчи,
Оқилу донолар бағрин дөгловчи.
Сиёсат бобида гирт қалтабинлик,
Ярамас иллат бу – маҳаллийчилик.*

*Миллат ривожига бўлгувчи тўсиқ,
Мақсадга элтувчи йўллари чўзиқ,
Айтсан адo бўлмас, қусурлари кўп,
Одамларни этар ожиз, тало тўп.
Тарихи узундир, балки минг йиллик,
Ярамас иллат бу – маҳаллийчилик.*

*Темур салтанатин бошига етган,
Бобурни юртидан Ҳинд томон элтган,
Шариф қул Муҳаммад дилидаги «оҳ»,
Комил инсонларнинг ўюлидаги чоҳ,
Мезони ноҳақлик, ўзи бир пуллик,
Ярамас иллат бу – маҳаллийчилик.*

ЛАГАНБАРДОРЛАРГА

*Ланганбардор, номингга қойил,
Кўйган тузоқ, домингга қойил.
Исму жисминг, феълу авторинг,
Килмишларинг шайтонга мойил.*

*Кўринишинг беозор қўнгиз,
Ва лек аслинг чаён, мор, тўнгиз.
Бир наф учун иймонинг сотиб,
Яралгансан чўкмоқ учун тиз.*

*Ҳақиқатга тўсиқсан, зидсан,
Текинтомоқ, каною битсан.
«Катта»ларнинг қошида доим,
Думи қисиқ, зоти паст итсан.*

*Қаллоб бўлмас сендан зиёда,
Фикр-ўйинг ҳийла риёда.*

*Түрт томонга чопганинг билан,
Биринг икки бўлмас дунёда.*

*Кўпчилликнинг ҳақидан ҳазар
Қилмоқ йўқдир, сенда, алҳазар.
Бетинг қурсин, дея Раҳмон ҳам,
Сендекларга солмагай назар.*

*Элнинг дарди дилимда қат-қат,
Айтсан адo бўлмайди, фақат.
Бани-башар ичра сенингдек,
Инсонларга дегайман лаънат.*

ҲАЙРОНДА ҚОЛУР

*Асрлар ўтса ҳам кўкка талпиниб,
Эзгуликка ташна яшар одамзод,
Улуг мақсадларни бош шиор қилиб,
Ҳамиша истайди бўлмоқни озод.
Истаклар имконга бўлмаса уйгун,
Халқнинг орзулари армонда қолур.*

*Она замин берар ризқ-рўзимизни
Юракдан тер тўкиб меҳнат қилинса.
Киммати ошгайдир ҳар сўзимизнинг,
Лутфда мантигу маъно билинса.
Бой берилгач фурсат йўқотиб қадрин,
Олинган ҳосиллар хирмонда қолур.*

*Ҳеч кимса дунёга устун бўлолмас,
Оlamдан кептгайдир шоҳу гадо ҳам,
Йигилган сийму зар мангуга қолмас,
Бир нафас қўшолмас етса сўнгги дам.
Кексайған чогингда белингга қувват,
Ҳассанинг кучи ҳам дармонда қолур.*

*Одамнинг одамдан фарқи бошдадир,
Теран фикрласа, олисни кўрса.
Меҳр тўқнашувчи кўзу қошдадир,
Беҳуда керилмай, ҳолингни сўрса.*

*Хасис, нодон бўлса агар улфати,
Оқил-доно дили вайронда қолур.*

*Бир боқиб англамоқ мушкулдир жуда,
Йўлда ўйлдош бўлган танти ҳамроҳни.
Гоҳо уринишлар кетар беҳуда,
Ажратта олсанг-да қорани, оқни.
Одамзод феълини кузатиб мудом,
Ақли етмай, Шариф ҳайронда қолур!*

ЮРАКДАГИ ДИЛ РОЗИМ

*(Устоз Фуломжон aka Назиров-
нинг порлоқ хотирасига)*

*Баъзан ўйлаб қоламан, ҳаёт ўзи нимадир,
Чин саодат нима-ю, нимадир олий қадр,
Ва дегайман порлоқ нур, сочганидек Шамс, Бадр,
Икки дунё яхшилар, бўлмагайдир бекадр.
Ҳаққингизга минг таъзим, Фулом Назир устозим,
Сизга бахшида бўлсин юракдаги дил розим.*

*Меҳрингиз-ла ҳамиша ёдимиизда яшайсиз,
Согинганда чеккан оҳ, додимиизда яшайсиз,
Эришган баҳту омад, шонимиизда яшайсиз,
Олисдамас, сиз шундоқ ёнимизда яшайсиз.
Ҳаққингизга минг таъзим, Фулом Назир устозим,
Сизга бахшида бўлсин юракдаги дил розим.*

*Устоз Қодир бир тараф, сиз эдингиз бир тараф,
Саттор Ҳалил бир тараф, Мамазоир бир тараф,
Аскияда сизларга топилмасди ҳеч тараф,
Ҳар бирингиз шу юрга бебаҳо шону шараф.
Ҳаққингизга минг таъзим, Фулом Назир устозим,
Сизга бахшида бўлсин юракдаги дил розим.*

*«От ўрнини той босар», деганлари рост бўлди,
Фарзандларга ҳалол ризқ берганингиз рост бўлди,
Уларнинг камолидан, пок руҳингиз шод бўлди,*

*Ота макон жойингиз гуллади, обод бўлди.
Ҳаққингизга минг таъзим, Фулом Назир устозим,
Сизга баҳшида бўлсин юракдаги дил розим.*

*Баски дунё сиз каби донолардан завқ олар,
Кўнгил эса ширин сўз, маънолардан завқ олар.
Ёмонликдан не фойда, бу дунёда ким қолар?
Шоир Шариф ишқ ичра аъмолардан завқ олар.
Ҳаққингизга минг таъзим, Фулом Назир устозим,
Сизга баҳшида бўлсин, юракдаги дил розим.*

ЎҒЛИМ ШУҲРАТЖОНГА

*Сўру синоатга тўла бу олам,
Дунёга меҳмондир ҳар битта одам.
Яхши номим қолсин десанг ҳаётда,
Ичган тузинг оқла, ҳамиша болам.*

*Ақл кўзинг билан атрофингга боқ,
Ким гўдайган қоя, ким эса тупроқ.
Яхши номим қолсин, десанг ҳаётда,
Кўрмаганинни кўриб чиқаргин сабоқ.*

*Аввал ўйла, кейин сўйла сўзингни,
Турфа гуноҳлардан сақла кўзингни.
Яхши номим қолсин, десанг ҳаётда,
Нодок улфатлардан асра ўзингни.*

*Умр ўткинчилир, ўтгувчи ҳар йил,
Бошга бало бўлур, андишасиз тил.
Яхши номим қолсин, десанг ҳаётда,
Каттаю кичикка сен яхшилик қил.*

*Само чиройлиидир, ою юлдузла,
Кишнинг кўрки баҳор, ёзники кузла.
Яхши номим қолсин, десанг ҳаётда,
Инсондан иллатмас, эзгулик изла.*

*Вақтики дунёдан кетарман бир кун,
Аллоҳ жамолига етарман бир кун.
Яхши номим қолсин, десанг ҳаётда,
Рұхимга тиловат баҳш этиб тургин.*

НАБИРАМ МАЛИКАБОНУГА

*Кишилар ўтиб, баҳор ҳам келди,
Бобо бўлиши ниятим эди.
Маликажон, Маликабону,
Сени менга Аллоҳим берди.*

*Кўкда Куёш, Ой сени кўрди,
Ерда Хотам Той сени кўрди.
Маликажон, Маликабону,
Хонадоним тўкис, бут бўлди,*

*Хизр бобо бошинг силади,
Авлиёлар омад тилади.
Маликажон, Маликабону,
Сену бизни Аллоҳ синади.*

*Каломуллоҳ ашъоринг бўлсин,
Расулуллоҳ ёдингда турсин,
Маликажон, Маликабону,
Камолингни элу юрт кўрсин.*

*Аллоҳ умр берсин отангга,
Аллоҳ умр берсин онангга,
Маликажон, Маликабону,
Чирой бўлиб юргин Ватанга.*

*Тилак тилар бобонг Шарифжон,
Саломат бўл ҳамиша, ҳар он.
Маликажон, Маликабону,
Довруг ёйиб, топгин обрў – шон.*

ХОТАМТОЙ ХАЛҚИМ

*Ўзбек номин улугловчи дўппинг борки бошингда,
Халқим, сенинг буюклигинг акс этади Шошингда.*

*Хайру саҳо, бағри кенглик, мерос етти пуштингдан,
Меҳру вафо, садоқатинг порлар кўзу қошингда.*

*Йиллаб йигиб молу давлат, сочадурсан бир кунда,
Миннат йўқдур элга берар тўйдаги нон, ошингда.*

*Керак бўлса ўзинг емай, боқадурсан дунёни,
Хеч тугамас насибанг бор, ҳатто тогу тошингда.*

*Оlam юкин кўтармоққа куч бермишдир Аллоҳим,
Пайгамбарлик хислати бор сабр ва бардошингда.*

*Пок ниятда қалам олиб, мадҳинг учун шеър битиб,
Кўрсам дейди камолингни, Шариф севинч ёшингда.*

КЎНГИЛ

*Даҳр аро ким хуш табиат, бўлса шодондир кўнгил,
Тортадур оҳанрабодек, жисм аро жондир кўнгил.*

*Кимда бор кибру ҳаво, нури-зиёни кўрмагай,
Хийла-риёга ташналаб, извога уммондир кўнгил.*

*Ким фалак тоқига күз тутмиш анга ошиқ наво,
Нұктадонлик бобида шоҳу султондир күнгил.*

*Англамас кимки умр, хайру саходан муддао,
Дил шами ёнmas, гариб, чүлу зимистандир күнгил.*

*Кимда бор аждга вафо, таъмадан қилмоқ ҳазар,
Барчага бергувчи наф, bogу бўстондир кўнгил.*

*Тингламас эрса кишиким, ота-она пандини,
Ўрнатиб ёнгай абад, багри гирёндир кўнгил.*

*Аҳли дониш бирла суҳбат, дейдилар жон озиги,
Ким учун давронда шон, кимга жонондир кўнгил.*

*Дилкашу дилбарлигидан бўлса ким шоирсифат,
Эй Шариф, бошингда тут, тоза иймондир кўнгил.*

АЙЛА КЎНГИЛНИ ОБОД

*Эй дил, молу давлатга ружу қўйма умрбод,
Агар насли одамсан, айла кўнгилни обод.*

*Сийму зарда вафо йўқ, ёдингда тут ҳамиша,
Қилаверма оҳу дод, айла кўнгилни обод.*

*Ибрат олгин фалакдан нур сочади беминнат,
Бўлсин десанг замин шод, айла кўнгилни обод.*

*Хайрон қолсин Хотамлар, саховатли дастингдан,
Дема бегона, бу – ёт, айла кўнгилни обод.*

*Дилозорлик қадимдан, даъвоси йўқ иллатдир,
Сочиб болдек ширин том, айла кўнгилни обод.*

*Инсон шоҳдир, гадодир, фақат меҳрга зордир,
Қаддинг долдир ё шамшод, айла кўнгилни обод.*

*Илму ҳикмат соҳибин ўтар умри чарогон,
Шариф пандин этиб ёд, айла кўнгилни обод.*

Т И Л А К

*Тилак айтай, тилакларим тилакларга жон бўлсин,
Хавас билан тинглаганлар Ҳазрати Инсон бўлсин.*

*Олис- олис самоларга этиб борсин садоси,
Ҳасад қилса ҳасадгўйлар, юрак багри қон бўлсин.*

*Яхшилардан яхшиларга мерос ширин сўз қолур,
Ширинсухон инсонларнинг таърифи достон бўлсин.*

*Олгир қаллаб, юлгучларга инсоф берсин Худойим.
Меҳнаткашни қадрлаган инсонлар сарбон бўлсин.*

*Заминни бог, кўнгилни тог айлагувчи деҳқоннинг,
Чўнтағида сармояси, омборида дон бўлсин.*

*«Бўлинганни бўри ейди» дейилгувчи мақол бор,
Маҳалла-куй, элу улус барчаси бир ён бўлсин.*

*Етти пушту шажарангни ёдингда тут ҳамиша,
Авлодларинг илм истаб, нодири замон бўлсин.*

*Парво қилма, ганимларинг тош отсалар ортингдан,
Инсоф тила барчасига, аҳли мусулмон бўлсин.*

*Молу давлат вафо қилмас, шоир Шариф унумта,
Бу дунёда ортирганинг, фақат обрў, шон бўлсин.*

ХУДОЙИМДАН СЎРАДИМ

*Жисму жонимни, дўстим, меҳр билан ўрадим,
Соглиқ, хуш кайфиятни чиройимдан сўрадим*

*Фикрладим оламнинг асрорини билай деб,
Уммон-денгиз нелигин, Сир сойимдан сўрадим.*

*Ишқининг тубсиз ҷоҳига гарқ бўлган ҳар онимда,
Садоқатнинг нелигин гулойимдан сўрадим.*

*Амал, мансаб комида чарх айласа баъзилар,
Кибру ҳаво – бидъатни, «ҳой-ҳой»имдан сўрадим.*

*Пул топганда ҳисобсиз, оқибатни унутган,
Инсонликни «дол» бўлган, «вой-вой»имдан сўрадим.*

*Соҳта обрў, мақтovлар тигдек ботиб дилимга,
Ҳақиқатни, ҳақ сўзни Худойимдан сўрадим.*

ҚЎШИҚ СЕҲРИ БЎЛАКЧА
(*Қадирдоним Шарофиiddин Холиқов
қўшиқларидан илҳомланиб*)

*Қўшиқ сеҳри бўлакча, жисмингга – жон, ажиб сас,
Қўшиқнинг ҳар мисқоли, қоп-қоп тиллога сигмас.*

*Шеъру газал илоҳий, ошиқ дилин розидир,
Шоир сўзи ҳақиқат, ҳийла-риёга сигмас.*

*Бани башар унумтас Аллоҳ суйған зотларни,
Пок дилдаги ишқ – оташ, нуру-зиёга сигмас.*

*Ҳаёт сирли жумбоқдир, қисмат эса ечимсиз,
Этиқодсиз инсонлар, Каъбатиллога сигмас.*

*Тан дурустлик лаззати, аввал, охир согликда,
Маъноси йўқ уч нуқта, Каломуллога сигмас.*

*Қадаҳ тутган қўлингни тафти тошни эритсин,
Шариф, Шароф дўстингни меҳри дунёга сигмас.*

НАВРЎЗДИР БУГУН

*Оlamга боқ кўкда Куёш, Ош ҳам очилмиш гулгун,
Заминни қўч, Ватанини сев, куйла Наврўзdir бугун.*

*Бўлсанг-да шоҳ ёки гадо, эътиқодинг бош мезон,
Авлодларинг келажагин ўйла Наврўздири бугун.*

*Ёдингда тут, даҳри дунда илоҳий бир заррасан,
Ўн икки бурж боши ҳамал, бўйла Наврўздири бугун.*

*Карнай-сурнай садолари тутмиш бани башарни,
Эл улусга ярашиқли тўй-ла Наврўздири бугун.*

*Шоир Шариф қул Муҳаммад, дилдан қутлаб халқингни,
Сўйлар бўлсанг эзгуликдан, сўйла Наврўздири бугун.*

ШОИРЛАРНИНГ ЁМОНИ...

*Кимдир доим ҳавасда, кимдир қилса-да эрмак,
Ҳақнинг сирли фармони дўстлар мен бўлсам керак.*

*Хижрон, фироқ, азобда ўтар умрим тинимсиз,
Ошиқларнинг армони дўстлар мен бўлсам керак.*

*Кўз ёш тўкиб яшайман бир нотавон кўринса,
Хаста дилнинг дармони дўстлар мен бўлсам керак.*

*Орзуларим кичикмас, етмоқ фалак тоқига,
Комилликнинг нарвони дўстлар мен бўлсам керак.*

*Ўртанааман куну тун маломатлар комида,
Комронларнинг комрони дўстлар мен бўлсам керак.*

*Нетай, битгаги: битигим ўхшар худди ўзимга,
Эзгуликнинг сарбони дўстлар мен бўлсам керак.*

*Шунча таъриф тавсифга қиёс ийқидир жаҳонда,
Шоирларнинг ёмони дўстлар мен бўлсам керак.*

АНВАР ЮНУС ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

*Гар кузатсанг, эй замондош, пойингга боқмоқда ер,
Сийратингдан маъни излаб, чангини қоқмоқда ер,
Бўлмаса дилда муҳаббат, бўлмагай оламда шеър,
Шеър – кўнгил ганжинасиdir, излама уммонда шеър,
Килма шеър даъвосиниким, бўлмаса имконда шеър.*

*Дийдалар тоши қотса ногоҳ, келмагай кўзга йиги,
Аҳли ошиқ ноласидан айланур сўзга йиги,
Шеър дебон ҳазрат Навоий бўлди кўнгил ошиги,
Шеър – Муқанно, Машибабидур, кесмагай ханжар тиги,
Тугилур оташ аро-ю, тугилур исёнда шеър.*

*Англамасдан ўзлигини қанча султон, қанча хон,
Ахтаришиб молу давлат, сохта обрӯ, сохта шон,
Кўрмаганинг кўрганидек жар солишигач тўрт томон,
Не даҳолар жисмини гар, солди зиндонга замон,
Эркни олқишилаб ҳамиша ёздилар зиндонда шеър.*

*Нурга тўлса товланиб пок гул каби ўнгу сўлинг,
Дурга тўлса дарди гамнок ҳур каби ўнгу сўлинг,
Чарх уриб бошингда баҳт, Арш томон элтса йўлинг,
Юксалиб осмон қадарлик, етса юлдузга қўлинг,
Бўлмагай кўксинг баланд, тог турмаса, иймонда шеър.*

*Не иложким, боши ҳамдир шоҳ эрур гар мансаби,
Сочмагай нур чор тарафга, моҳ эрур гоҳ мансаби,
Эй Шариф, ёдингда тут, бўлмаса нозик таъби,
Мани меърожида сўзлар ёнмаса Анвар каби,
Бир юрак мулки бўлиб ҳеч, қолмагай давронда шеър.*

АНВАР ЮНУС ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

Кўрмаган бундай латиф бир гўшани олам жаҳон,
Ҳимматидан лолу ҳайрон, ҳад-ҳудудсиз каҳкашон,
Ҳақни деб ёнгай абад, ҳақ сўзни айлаб нишон,
Не замонлар кўкси узра ўтлуг исёндур Кўқон,
Дастида нур машъали-ю, илми урфондур Кўқон.

Ўтмишидан боҳабардур Олмону Руму Араб,
Аҳли дониш зотларини бўлмагай бир-бир санаб,
Сийратига гойибона боқсангиз зидан қараб,
Не даҳолар ноласига бўлди шу тупроқ сабаб,
Фурқат ашъорига илҳом, дилда армондур Кўқон.

Жаннатий Султон Умархон сўзлариdek бол бўлиб,
Моҳларойим назмидек хос гулшан ичра хол бўлиб,
Одамийлик ишвасининг қаршисида дол бўлиб,
Булбулидан шоирини фарқ этолмай лол бўлиб,
Чарх уриб Чархий демишлар: «шоиристондур Кўқон».

Фарқлашиб яхши ёмонни бор бисотин элга дер,
Олқашиб давру замонни сир-саботин элга дер,
Кўш қаноти бўлса гар учқур отин, элга дер,
Куйлашур бу бўстон ичра аҳли ушишоқ, аҳли шеър,
Якка бу Фарғонамизда, якка достондур Кўқон.

Асли Одамга туташгай, насли хон илдизлари,
Эътиқод ичра шараф ҳам топди шон эр-қизлари,
То қиёмат, эй Шариф, нурга кон кундузлари,
Тунларимни айламиш тонг порлаган юлдузлари,
Не ажабким, Анварига жисм аро жондур Кўқон.

МАШРАБ ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

*Кочгай ул шайтон лайн, дилда иймони бордин,
Гарчи ҳол сўрмас экан чин ошигу хуштордин,
Элга наф тегса агарким, ҳақ деган бедордин,
Минг аналҳақ келадур Мансур осилган дордин,
Хар замон «лаббайка» деб келгай нидо Жаббордин.*

*Дўзахий бўлмас киши танласа пок, тўгри ийл,
Таманинг аччиқ таъмини тотмаса тил бирла қўл,
Майли, шоҳдурсан, гадо доимо беозор бўл,
Олими гуфтор бўлма, фозили кирдор бўл,
Бандаларни Ҳақ сўраг машҳар куни кирдордин.*

*Арзигай минг бора кунда Ҳақни деб чексанг аlam,
Арзигай бедор тунда ҳақ учун чексанг қалам,
Берса ҳар каснинг амал ажрини одил ҳакам,
Барча ҳалқ савдосини қилди, сен қолдинг бу дам,
Кимки камхарж эрур хушк қайтур ул бозордин.*

*Беназир ўтсин ҳаётинг, йиглагин ёр олдида,
Ҳақни деб куйган дилинг тиглагин ёр олдида,
Эй Шариф, бошингни хам айлагин ёр олдида,
Мори зоҳир саҳл эрур нафс аждаҳоси олдида,
Машрабо, қўрқомасмисан кўнглингда нафси мордин.*

МАШРАБ ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

*Дарди йўқлар бенаводек кимлигинг қайдан билур,
Бенаволар дарди гамнок ҳаста багримни тилур,
Дийдаси тош кимсаларда адлу инсоф на қилур,
Хар кишининг дарди бўлса, дийдасидан нам келур,
Кимки мунда шодлиг истар, орқасидан гам келур.*

*Яхшиларнig поига гул, дуру маржон сочилур,
Аҳли подон кимсаларнig суҳбатидан қочилур,*

*Илму урфон сирлрини фолчилар қайдан билур,
Сийнаи дафтарни очсам, етти дўзах очилур,
Нолишидан қўрқаман, мажлисга номаҳрам келур.*

*То тириксан бу жаҳонда кенг феълингни этма тор,
Эътиқоду иймонингни асра шаксиз этма хор,
Берма озор ҳеч кўнгилга гарчи сенда ихтиёр,
Одамийнинг асли бирдур, бир-биридан фарқи бор,
Неча қарн ўтгонидан дунёга бир одам келур.*

*Дил сўзим айтмоқчиман, тингла, дилбандим эшишт,
Фикру зикрингни этиб жам, сўнгра пандимни эшишт,
Етти пуштим ўйлаб ўтган доду дардимни эшишт,
Йигламоқ осон эмас, эй сен жигарбандим, эшишт,
Мулки дил садпора бўлгач, дийдасидан нам келур.*

*Не даҳолар кўз ёшидан бўлдилар топмоқчи фарқ,
Руҳи дил асрорларини этдилар билганча шарҳ,
Во ажабким, барчасининг ажрини бермиши бу чарх,
Муллалар илмига магрур, омилар исёнга гарқ,
Кас на билсун, рўзи машҳар кимни тоши кам келур.*

*Эй Шариф, бўлсанг омон сен бир Худога сажда қил,
Десалар майли ёмон, сен бир Худога сажда қил,
Аҳли дониши бирла суҳбат – чин саодат, яхши бил,
Гар бошинг Аршга етушса, сен ўзингдан кетмагил,
Хар дараҳтни меваси кўп бўлса боши хам келур...*

ҲУВАЙДО ФАЗАЛИГА МУҲАММАС

*Чангү тўзон ичра юрма, жабри қалбу кузгадур,
Ҳақиқатдан юз ўғирма, қаҳри оташ сўзгадур,
Одамий бўл, гарчи Румо, Ажаму Шош ўзгадур,
Айтмагил сирингни сен, ҳар кимга сирдош ўзгадир,
Дарди ийқ бедардга мунг этма, мунгдош ўзгадур.*

*Ҳар кишининг қадри ошар, яхшиларга берса қўл,
Меҳнат айлаб пок, ҳалолу насибангни терса қўл,
Тебраниб ҳайрат ичида титрасада ўнгу сўл,
Ҳамроҳи қобил била юр, бир қаричлик бўлса йўл,
Юрмагил ножинс бирла, йўлда ўзгадур.*

*Тан сиҳат бўлса, дилингда меҳру муҳаббатинг кўп,
Ҳақ деган бийрон тилингда болу шарбатинг кўп,
Пойинга парвонадир ёшу қарилар тўп-тўп,
Кўлда молинг борида ёру биродар, хеш кўп,
Оре, бош ёстиққа етганда, қариндош ўзгадур.*

*Нолима асло ҳаётдан келса бошга кўргулик,
Бир вафодор бас сенга, бўлса ҳолингни сўргулик,
Қилсалар-да шум рақиблар ҳийла, багринг тилгулик,
Барча йиглаб, оҳ деб, дардлик кишидур билгулик,
Дил куйиб кўздан тўкилган дардлик ёш ўзгадур.*

*Ўйлама, ошиқ эсанг гар, Шариф, қошимда дор деб,
Дорга тик боқмоқ шарафдир, ушиоқ аро мен бор деб,
Солса минг савдо фалак гар барчаси бекор деб,
Эй Хувайдо, берма дил, ҳар бевафони ёр деб,
Икки олам бевафо ёри, қалам қош ўзгадур.*

T Ў R T L I K L A R

*Субҳидам уйғонсанг, кунда тонг саҳар,
Тилингдан бол томса, сачрамай заҳар.
Эзгу ниятларга тўлиқ ҳар кунинг,
Кирқ кун рўза тутган билан баробар.*

*Бир қонун олдида ҳамон лол башар,
Ой ҳуснин ийқотар қуёш чиқса гар.
Демакки, маърифат мисоли офтоб,
Илму урфон ўрнин босмас сийму зар.*

*Ақл кузы билан атрофингга боқ,
Номард, нокаслардан доим бүл иироқ.
Үнүтма, эл ичра минг бир товланыб,
Оғзи билан юрар одам хавфлироқ.*

*Кимгадир баҳт берар, Худо құшқұллаб,
Кимгадир таҳт берар, Худо құшқұллаб.
Жон каби омонат, уларнинг барин,
Хоҳласа бир зумда олар құшқұллаб.*

*Хаёт уммонидан оқиб ўтамиз,
Кимга ёқмай, кимга ёқиб ўтамиз,
Нима бўлганда ҳам охир-оқибат,
Мадад сўраб кўкка боқиб ўтамиз.*

*Имкон бўлса ойни қучиб етардим,
Гул экиб ердайин обод этардим.
Сўнгра гуноҳимни кечишин сўраб,
Аллоҳ ҳузурига учиб кетардим.*

*Қадимдан дейшишар ер тўққиз қават,
Удумлар бор, «тўққиз неъмат» қатма-қат.
Турфа хил бўлса-да мавжудод, ҳаиҳот,
Одам кулар экан одамдан фақат.*

*Жаннати ким – қаҳрини ичга ютса,
Дўзахи ким – ўзгадан пажот кутса.
Үнүтма, дўст, бошлангайдир қиёмат,
Аҳли мўмин мўминлигин унутса.*

*Молу давлатингга ишонма, ўглон,
Ўткинчиидир амал, мансаб, давлат, шон.
Бўлсанг-да шаҳанишоҳ, охир-оқибат,
Бир сиқим тупроққа тенгдурсан инон.*

*Ўзлигинг унутма бурканиб шонга,
Озор етказмагин тандаги жонга.
Ақл күзинг очиб атрофингга боқ,
Интиқ ўтувчи бор бир бурда нонга.*

*Кўлимда май тўла паймона, эй дўст,
Хайратдан дилим лол, хайрона, эй дўст,
Дўстлар кўп, дўстларим ичидা дилбар,
Топилмас сен каби ҳамхона, эй дўст.*

*Манфаат куийда югуриб зир-зир,
Тирноқлар остидан ахтаришиб кир,
Яшамоқ сирларин англаб-англамай,
Бу фоний дунёдан кетамиз бир-бир.*

*Каттадир ёмондан яхшининг фарқи,
Сездирмай айланар, фалакнинг чархи,
Хайр ила саховат радди балою,
Олтиндан қимматдир, дуонинг нархи.*

*Чин инсон ҳар ишда, тенгликни истар,
Пок либосга ёқа, енгликни истар,
Нетай мен шоирман, ҳар нафас, ҳар он,
Кўнглим осмон каби кенгликни истар.*

*Ким эдик, ким бўлдик: киммиз ўзимиз,
Тим қора, мовий ранг ё кўк кўзимиз.
Унутманг эл ичра қиёмат қадар,
Колгайдир ганж эмас, ширин сўзимиз.*

МУНДАРИЖА

I. ШЕҮРЛАР:

| | |
|----------------------------|----|
| Сүз боши | 2 |
| Ўзбекистоним | 4 |
| Ҳазрат Алишер | 5 |
| Улубек монологи | 6 |
| Бобур васияти | 7 |
| Нурафшон манзилга | 9 |
| Меҳр бўлмаса | 10 |
| Бири кам дунё бу | 11 |
| Шоир қалби | 12 |
| Мақтов | 13 |
| Азиз одамлар | 14 |
| Кўнгли қолмасин | 15 |
| Мақсадинг не эди | 16 |
| Не фойда | 17 |
| Барчамидан қолар | 18 |
| Дўсти бўлса | 19 |
| Аёл билан | 20 |
| Ўзингсан юрак: | 21 |
| Ақлим ҳайрон | 22 |
| Тазарруъ | 23 |
| Кўнглимда сен | 25 |
| Мухбир дўстимга | 26 |
| Дастурхон | 27 |
| Маҳаллийчилик | 28 |
| Лаганбардорларга | 29 |
| Хайронда қолур | 30 |
| Юракдаги дилрозим | 31 |
| Ўглим Шұхратжонга | 32 |
| Набирам Маликабонуга | 33 |

| | |
|------------------------------------|----|
| Хотамтой халқым | 34 |
| Күнгил | 34 |
| Айла күнгилни обод..... | 35 |
| Тилак | 36 |
| Худойимдан сүрадим | 36 |
| Күшиқ сөхри бўлакча | 37 |
| Наврўздири бугун | 37 |
| Шоирларнинг ёмони | 38 |
| Анвар Юнус ғазалига муҳаммас | 39 |
| Анвар Юнус ғазалига муҳаммас | 40 |
| Машраб ғазалига муҳаммас | 41 |
| Машраб ғазалига муҳаммас | 41 |
| Ҳувайдо ғазалига муҳаммас | 42 |
| Тўртликлар | 43 |

Адабий-бадний нашр

Шариф Қул МУҲАММАД

КҮНГЛИМДА СЕН

(шевърлар)



| | |
|----------------|---------------------|
| Мұхаррирлар: | Х. ДҮСМАТОВ |
| | Б. РАҲИМОВ |
| Тех. мұхаррир: | F. МУЛЛАБОЕВ |
| Мусаввир: | A. ХОЛИҚОВ |
| Саҳифаловчи: | И. ТОШХОЖАЕВ |
| Мусаҳих: | С. ЯҲЁЕВ |



Теришга 13.01.2006 йил берилди. Босишига 5.02.2006 йил рухсат этилди. Оқ қоғозга сәфсет усулида босилди. Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 3,0 босма табоқ. Адади 1000 нұсха. Буюртма № 46. Баҳоси келишилган нархда.

«Фарғона» нашриёти. 712014 Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур күласи, 28.
«Чуст босмахонаси», МЧЖ Чуст шаҳри, Сўғизода кўчаси, 8-уй.